

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tib 30.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТУРСУНОВ ДЖАХАНГИР ХУСАНОВИЧ

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ҚАНДЛИ ДИАБЕТ РИВОЖЛАНИШИГА
ЭКДИСТЕН ТАЪСИРИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ҲУЖАЙРАВИЙ
МЕХАНИЗМИ**

03.00.01 – Биокимё

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD)

Турсунов Джахангир Хусанович

Экспериментал қандли диабет ривожланишига

эkdистен таъсирининг молекуляр-хужайравий

механизми 3

Турсунов Джахангир Хусанович

Молекулярно-клеточный механизм действия

эkdистена на развитие экспериментального

сахарного диабета 21

Tursunov Djakhangir Xusanovich

Molecular-cellular mechanism action of

ecdysten on the development of

experimental diabetes mellitus 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tib 30.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТУРСУНОВ ДЖАХАНГИР ХУСАНОВИЧ

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ҚАНДЛИ ДИАБЕТ РИВОЖЛАНИШИГА
ЭКДИСТЕН ТАЪСИРИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ҲУЖАЙРАВИЙ
МЕХАНИЗМИ**

03.00.01 – Биокимё

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.2.PhD/Tib607 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сабинова Рихси Абдукадировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Носир Мухамеджанович
биология фанлари доктори, профессор

Ишигов Ибрагим Агаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

**Қозон Давлат тиббиёт университети
Федерал давлат бюджет Олий таълим муассасаси
(Россия Федерацияси).**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув биносининг мажлислар зали. Тел/факс (+998971) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№ ___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс (+998978) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж.Эрматов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.М.Юлдашев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда нафақат ёшлар ва ҳатто болалар орасида ҳам қандли диабет касаллиги кўп кузатилмоқда ва касалликнинг профилактикаси, клиник ташхиси ва даволашнинг юқори самарали усуллари ишлаб чиқиш ҳозирга қадар долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ушбу касаллик глобал ноинфекцион эпидемияга айланиб бораётганини ҳам кузатиш мумкин. Жаҳон диабет федерациясининг маълумотига кўра бутун дунёда 400 миллиондан ортиқ одам қандли диабет (ҚД) касаллиги билан хасталанган. Ўз вақтида чора кўрилмаса, 25 йилдан сўнг ҳар бир олтинчи одам ҚД касаллигига учрайди. XXI асрнинг ўртасига келиб эса ҳар бир иккинчи одам касал бўлиши кутилмоқда¹.

Жаҳонда қандли диабет (ҚД) ривожланишига фитоэкдистероидлар таъсирининг самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада аллоксанли диабет (АД) ривожланишида оксидант-антиоксидант ва нитроергик тизимларнинг ҳолати, ҳамда эндотелий дисфункциясини тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади. Тажрибавий АД ривожланиш динамикасида металлопротеиназалар фаоллиги, уларнинг ингибиторлари ва адипонектин миқдори, ҳамда липид алмашинув кўрсаткичларига фитоэкдистероидлар таъсирини ўрганиш ҳам даркор. Шу билан бирга таққослаш дори воситаларнинг АД да гемостаз кўрсаткичларига таъсирини ҳам тадқиқ қилиш тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, эндокринологик касалликларни камайтириш борасида салмоқли натижалар қўлга киритилди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...хасталанган беморларга ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бирламчи тиббий ёрдам муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш...»²га қаратилган вазифалар қўйилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида қандли диабет касаллигини биокимёвий усуллар ёрдамида ташхислашни юқори босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни такомиллаштириш орқали эндокринологик касалликларни камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

¹Дедев И.И. Сахарный диабет – опаснейший вызов мировому сообществу. // Вестник Российской академии наук - Москва., 2012, № 1 – С. 7-13

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, ҳамда тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ҚД ривожланишига турли препаратлар таъсирининг молекуляр-хужайравий механизмини ўрганишга бағишланган замонавий тадқиқотлар танланган муаммонинг кўп қирралигини уни даволашда қўлланиладиган препаратларнинг кўплиги ва уларнинг ушбу касалликнинг мураккаб патогенези туфайли етарлича самара бермаётганлиги билан боғлиқлигини кўрсатди. Шу сабабли ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилган препаратларнинг, хусусан фитоэкдистероидлар асосида, патогенетик ва молекуляр таъсир механизмлари етарлича ўрганилмаган (Сыров В.Н., 2011). Хориж олимларининг натижаларига кўра кислород фаол шаклининг (КФС) кўпайиши ва антиоксидант тизимининг лаёқатсизлиги билан боғлиқ бўлган оксидатив стресс, металлопротеиназа фаоллигининг ошиши, адипонектин миқдорининг камайиши ҚД ни ривожланишида биринчи даражали аҳамиятга эга. Павлюченко К.П. (2012) маълумотида кўра 2 типдаги диабет билан хасталанган беморлар қонининг зардобида матрикс металлопротеиназа-9 (ММП-9) фаоллигини статистик ишонарли ошиши ва бир йил давомида диабетик ретинопатиянинг турли босқичларидаги беморлар қон зардобида ММП-9 фаоллигининг ва матрикс металлопротеиназа тўқима ингибитори-1 (МПТИ-1) миқдорини статистик ишонарли ошиши аниқланган. Yamauchi T., Kamon J., Ito Y. et al. (2003) 2 типдаги ҚД ли беморлар қон зардобидаги адипонектин миқдорининг пасайиши томирларнинг эндотелийга боғлиқ вазодиятацияси билан бирга келишини кўрсатдилар. Tan K.C.B., Xu A., Chow W.S. et al. (2004) текширувлари асосида углевод алмашинуви ҳолатининг яхшиланиши ва инсулинга резистентликни (ИР) пасайиши қон плазмасида адипонектин концентрациясининг ошиши билан бирга бўлиши аниқланган. ММП ни фаоллаштириш ва улар ингибиторларини нейтраллаш диабетик нефропатияни даволашда самарали бўлиши мумкин (И.А.Бондарь ва В.В.Климонтов, 2012).

Г.А.Шахмурованинг тадқиқотлари (2016) фитоэкдистероидларнинг иккиламчи иммунтанқислик ҳолатларида иммунитет жараёнларига, қон яратиш ва лимфатик тизимларга стимулловчи, ҳамда ҳайвонлар организмида

ҳаддан ташқари жисмоний зўриқиш ва турли заҳарли моддалар таъсирида келиб чиққан метаболик-функционал ўзгаришларга фармакологик таъсирини кўрсатди. Маҳаллий хомашёдан ажратиб олинган айрим фитоэксдистероидлар асосида ЎзФА Ўсимликлар кимёси институтида метаболик жараёнларни коррекциялаш учун препарат – экдистен яратилди. Ушбу препарат 1998 йилда «ЎзССВ Дори-дармон воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш бош Бошқармаси» томонидан 67/848/2 рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Экдистен гериатрия, клиник ва спорт тиббиётида катаболик жараёнлар билан боғлиқ бўлган кўплаб касалликларни даволашда муваффақиятли қўлланилмоқда (Сыров В.Н., Ботирбеков А.А., Қиличева Г.Х., 2011). Экдистеннинг аниқланган гипогликемик хусусиятига қарамай, унинг антидиабетик хусусиятлари кенг кўламда ўрганилмаган. Хусусан, унинг ҚД ривожланишидаги липид алмашинуви кўрсаткичлари, оксидант ва антиоксидант тизимларининг ҳолати, эндотелий дисфункцияси, ММП фаоллигига ва МПТИ-1, адипонектин, эндотелин-1, фон Виллебранд омили миқдорларига, ҳамда гемостаз тизимидаги ўзгаришларга таъсири ўрганилмаган.

Шундай қилиб, экдистенни қандли диабетдаги метаболик-функционал ўзгаришларга таъсир механизмини тадқиқ қилиш нафақат даволашнинг янги, юқори самарали усулларини ишлаб чиқиш, балки ҚД ривожланишининг молекуляр механизмини аниқлаш имконини ҳам беради. Бундан ташқари, экдистенни ҚД ривожланишига таъсирини ўрганиш уни қўллаш доирасини, хусусан диабетологияда кенгайтиради, ҳамда препаратни ўзини такомиллаштиришга олиб келади. Бу эса ўз навбатида мазкур изланишни олиб боришга асос бўлиб, соғлиқни сақлаш амалиётида муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг илмий иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Экспериментал қандли диабет ривожланишининг молекуляр-ҳужайравий механизми ва алкоголь интоксикацияси ва уни даволаш усуллари» (2014-2018 йй) доирасида бажарилган, давлат қайд рақами 01.010073.

Тадқиқотнинг мақсади тажрибадаги қандли диабет ривожланишига экдистен таъсирининг молекуляр механизмларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

каламушларда тажрибавий диабет ривожланишида оксидант-антиоксидант ва нитроергик тизимлар ҳолатини баҳолаш ва аниқланган ўзгаришларни бартараф этишда экдистеннинг самадорлигини ўрганиш;

каламушларда тажрибавий диабет ривожланишида эндотелий функциясининг ҳолатини ва унинг дисфункциясини бартараф этишда экдистен самарадорлигини баҳолаш;

тажрибавий диабет ривожланиш динамикасида қон зардобиди металлопротеиназалар фаоллиги ва улар ингибиторлари миқдорини ва уларга экдистен таъсирини ўрганиш;

каламушларда тажрибавий диабетда липид алмашинуви ҳолатини ва унга экдистен таъсирини текшириш;

тажрибавий диабетли каламушларда гемостаз кўрсаткичларини ва уларга экдистен таъсирини текшириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тажрибавий аллоксан диабетли вазни 120-130 гр. бўлган зотсиз 130 та оқ эркак каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий ва иммунофермент текширишлар ўтказиш учун аллоксан диабетли каламушларнинг қон ва қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун биокимёвий, физиологик, иммунофермент, гематологик ҳамда статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аллоксанли диабетнинг ривожланишида оксидант-антиоксидант ва нитроергик тизимлардаги ўзгаришларга экдистеннинг коррекцияловчи таъсири исботланган;

тажрибавий аллоксанли диабет ривожланишида экдистеннинг матрикс метлаллопротеиназалар фаоллиги ва металлопротеиназалар тўқима ингибитори миқдори таъсири кўрсатилган;

аллоксанли диабетда қон ивиш тизимига, яъни протромбин вақти, фибриноген ва Виллебранд омилига экдистеннинг таъсир қилиш механизми аниқланган;

аллоксанли диабет ривожланишида адипонектин миқдори ва липид алмашинуви кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқлик ва экдистеннинг бу жараёнларга кўрсатадиган таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аллоксанли диабет ривожланишидаги биокимёвий ўзгаришларга экдистен таъсири комплекс баҳоланган;

аллоксанли диабет ривожланишида ёғ ҳужайраларида ишлаб чиқариладиган гормон, яъни адипонектин, миқдорининг камайиши липид алмашинуви кўрсаткичларига боғлиқлиги аниқланган;

олинган натижалар қандли диабетни даволаш учун экдистенни соғлиқни сақлаш амалиётига тавсия қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, бири иккинчисини тўлдирадиган биокимёвий ва статистик таҳлил усулларлар, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оксидант-антиоксидант ва нитроергик тизимларнинг, адипонектин, металлопротеиназа ва улар ингибиторларининг

аллоксанли диабет ривожланишидаги ўрни ва экдистеннинг бу жараёндаги фармакологик коррекцияловчи таъсирини аниқлаш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қон зардобида матрикс металлопротеиназа -2, -9 фаоллиги, металлопротеиназа тўқима ингибитори-1 ва адипонектин миқдори ўзгаришини аниқлаш қандли диабетни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш имкониятини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экспериментал қандли диабет ривожланишида экдистен таъсирининг молекуляр-хужайравий механизмини очиб бериш бўйича ўтказилган тадқиқот илмий натижалар асосида:

«Қандли диабетни ташхислаш ва даволашда металлопротеиназалар фаоллигини аниқлашнинг аҳамияти» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 8м-р/286-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланмада металлопротеиназалар ва улар ингибиторларининг қандли диабет ривожланишидаги аҳамияти тасдиқланиб, уларнинг қандли диабетни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш имкони кўрсатилган;

«Металлопротеиназалар: тузилиши хусусияти ва патологик жараёнларнинг ривожланишидаги ҳолатлар» услубий қўлланмаси ҳам тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 8м-р/286-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма металлопротеиназалар оиласи ва турли патологик жараёнларда уларнинг фаолиятига фаолиятига бағишланган бўлиб қандли диабет касаллигида шикастланадиган майда қон томирларида юзага келадиган патологик ўзгаришларни аниқлаш ва касалликни эрта ташхислаш имконини беради;

Экспериментал қандли диабет ривожланишида экдистен таъсирининг молекуляр-хужайравий механизми таҳлилига бағишланган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институтининг марказий тадқиқот лабораторияси, Республика Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали, Тошкент тиббиёт академиясининг Олий ўқув юртлариаро илмий тадқиқотлар лабораторияси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 6 ноябрдаги 8н-/235-сон маълумотномаси). Олинган фундаментал тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ қилиниши қандли диабет билан хасталанган беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга, ҳамда беморларни шифохонада бўлиш муддатини 20% гача қисқартиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 2 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш эълон қилинган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган

илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қандли диабет ривожланишининг молекуляр-хужайравий механизмлари ва унинг тарқалганлигини ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг замонавий ҳолати ва уни даволаш тамойиллари»** деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган ва қандли диабетнинг ривожланиш механизмлари ва уни даволаш тамойиллари ёритилган тадқиқотлар тизимлаштирилган, бу муаммонинг очилмаган ва аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг **«Экдистенни тажрибавий аллоксанли диабет ривожланишига таъсир механизми тадқиқотларининг материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган материаллар ва усуллар, тажриба материалларининг умумий тавсифи батафсил ёритиб берилган.

Тажрибалар вазни 120-130 гр. бўлган 130 та зотсиз эркак каламушларда олиб борилган, улар озуклантиришнинг стандарт шароитида сақланган. Тажрибалар «Тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни муҳофаза қилиш Европа конвенцияси»га мувофиқ ўтказилди (Страсбург, 1985). Тажрибаларнинг биринчи қисмида (30 та каламуш) АД да биокимёвий кўрсаткичлар ўзгаришининг динамикаси ўрганилди. АД 100 гр. тана вазнига 13 мг миқдорда аллоксанни бир маротаба юбориш орқали чақирилди. Аллоксан юборилгандан кейинги 7-, 14- ва 21-кунларда ҳайвонлар жонсизлантирилиб, биокимёвий тадқиқотлар ўтказилди. Тажрибаларнинг иккинчи қисмида 30 та каламушда экдистеннинг АД ривожланишига таъсири ўрганилди. АД ривожланишининг 7-суткасида бошлаб, 7 ва 14 кун давомида тажрибавий ҳайвонлар 100 гр. тана вазнига 0,143 мг миқдорда экдистен билан даволанди. Тажрибанинг учинчи ва тўртинчи босқичида (60 та каламуш) таққослаш препаратлари глюкофаж (100 гр. тана вазнига 4,28 мг) ва ретаболилнинг (100 гр. тана вазнига 0,0714 мг)

АД ривожланишига таъсири ўрганилди. Интакт гуруҳни 10 та каламуш ташкил этди.

Диабет ривожланиш даражасини аниқлаш учун қондаги глюкоза миқдори реагентларнинг стандарт йиғиндиси ёрдамида глюкозоксидаза усули билан аниқланди.

Металлопротеиназа фаоллиги ва уларнинг ингибитори – МПТИ-1 миқдори Quantihine, R@D systems АҚШ фирмасининг стандарт тест-системаларидан фойдаланиб иммунофермент анализ (ELISA) ёрдамида аниқланди.

Қондаги малон диальдегиди (МДА) миқдори Л.И.Андреева ва бошқалар (1989) усули билан аниқланди. Каталаза фаоллиги (КТ) водород пероксидининг молибден тузлари билан ўзгармас сариқ ранг бериш хусусиятига асосланган, М.А.Королюк ва ҳаммуаллифлар (1988) усули билан аниқланди.

Адипонектин Quantihine, R@D systems АҚШ фирмасининг стандарт тест-системаларидан фойдаланиб иммунофермент анализ (ELISA) ёрдамида аниқланди. Оптик зичлик 450 нм тўлқин узунлигида компьютерлаштирилган АТ-858 (LTD, Хитой) иммунофермент анализаторида ўлчанди.

Қон зардобдаги NO-ергик тизимнинг ҳолати турғун метаболитлар NO (NO_2 ва NO_3) миқдори, азот оксиди синтазаси фаоллиги билан баҳоланди. NO миқдори нитрит ва нитратлар (NO_2 ва NO_3) йиғиндиси бўйича П.П.Голиков ва бошқалар усулида аниқланди. Азот оксиди синтазаси (eNOS) фаоллигини В.В.Сумбаев, И.М.Ясинская (2000), индуцибел азот оксиди синтазаси фаоллигини (iNOS) N.W.Кооу (1995) ва бошқалар усули билан Р.К.Азимов, А.С.Комарин (2005) модификациясида аниқланди.

Виллебранд омили ва эндотелин миқдори АТ858 (Хитой) иммунофермент анализаторида иммунофермент усули билан аниқланди.

Қон қуйилиши кўрсаткичларини аниқлаш гемостаз кўрсаткичларини умумий клиник усули бўйича ўтказилди. Хатолик эҳтимоллиги (P) хисобланган ҳолда ўртача арифметик қиймат (M), ўртача квадратик оғиш (σ), нисбий катталиқлар (частота, фоизлар) ва Стъюдент-мезони (t) хисобланди.

Тадқиқотлардан олинган натижаларга Pentium IV компьютерида Microsoft Office Excel 2013 дастурий тўплами ёрдамида статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган ҳолда ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Оксидант-антиоксидант, нитроергик тизимлар ва эндотелий дисфункциясининг аллоксанли диабет ривожланишидаги ўзгаришлари ва уларни экдистен билан коррекциялаш**» деб номланган учинчи бобида оксидант-антиоксидант, нитроергик тизимлар ва эндотелий дисфункциясининг АД ривожланишидаги ўзгаришлари ва уларни экдистен билан коррекциялаш кўриб чиқилди.

АД ривожланишининг 7-, 14- ва 21-кунларида МДА миқдори интакт гуруҳи ҳайвонлари билан таққослаганда 1,5, 1,8, 1,75 мартагача ошди. АДли тажрибали ҳайвонларни 7 ва 14 кун давомида экдистен билан даволаш МДА миқдорини даволанмаган гуруҳга нисбатан 1,47 ва 1,5 мартагача пасайтирди.

Глюкофаж билан даволаганда МДА миқдори интакт гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаганда 22,9 ва 16,4%га кўпроқ бўлди. Ретаболил таъсирида ҳам МДА миқдори 7 ва 14 кунларда пасайди, бу пасайиш 14 кун даволашда яққол намоён бўлиб, интакт гуруҳга нисбатан 1,6 марта пасайди.

Демак, АД экдистен ва ретаболил билан даволанганида МДА миқдори 7 кунга нисбатан 14 кунда кўпроқ пасаяди.

Каталазанинг фаоллигини ўрганиш уни АД ривожланишининг 7-, 14- ва 21-кунда, интакт гуруҳига нисбатан 9, 12, 1,5 ва 1,7 марта пасайишини кўрсатди. Олинган маълумотларга кўра АД ривожланишининг 7-кунда каталаза фаоллигининг пасайиши яққол намоён бўлди.

АД ли жониворлар қон зардобидаги каталаза фаоллиги экдистен билан даволанганда фақат 14-кунда даволанмаган гуруҳга нисбатан 11,8%га ошиши кўрсатилди. Глюкофаж ва ретаболил билан даволанганда даволанмаган гуруҳга нисбатан 7 кун давомида каталаза фаоллиги ошиши кузатилди. Глюкофаж билан 14 кун давомида даволаш каталаза фаоллигини 1,35 марта оширди, ретаболил каталаза фаоллигини ошишига олиб келмади.

Шундай қилиб, АД да каталаза фаоллиги тажрибанинг 7 кунда сезиларли ингибирланади. Экдистен билан 14 кун давомида даволаш ушбу ферментнинг индукциясига олиб келади, лекин экдистен ва ретаболилга нисбатан глюкофаж билан даволашда индукция ёрқин намоён бўлиши қайд этилди. Ўрганилган препаратларнинг антиоксидант фаоллигини қуйидагича жойлаштириш мумкин: глюкофаж-экдистен-ретаболил. Бу маълумотлар ҚД ни даволашда организмни антиоксидант тизимини кўтариш учун антиоксидантлардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

Қон зардобидаги NO миқдори тадқиқотнинг барча муддатларида ошади. Унинг ошиши назорат жониворларга нисбатан 7- ва 21-кунда 2,8 ва 3,2 мартага бўлса, 14-кунга келиб азот оксиди миқдорининг ошиши ёрқин намоён бўлиб, назорат гуруҳига нисбатан 4,05 мартага ошди.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижалари АД ривожланишида азот оксиди миқдори ошишини кўрсатди.

Тадқиқот натижалари АД ривожланишида NO-синтаза фаоллиги турли йўналишларда ўзгаришини кўрсатди. eNOS фаоллиги тадқиқотларнинг барча муддатларида пасайиб, уни энг кўп пасайиши 21-кунда қайд этилди ва интакт жониворларга нисбатан 3,45 марта пасайди.

iNOS фаоллиги тадқиқотларнинг барча муддатларида ошди. Унинг фаоллигини ошиши АД ривожланишининг 7- ва 21-кунларида интакт ҳайвонларга нисбатан 2,8 ва 3,6 марта кўп бўлди. АД ривожланишининг 14-кунда эса интакт гуруҳга нисбатан унинг фаоллиги 5,1 мартагача ошди. Шундай қилиб, тадқиқотлар азот оксиди тизимида АД ривожланишининг 14- ва 21-кунда азот оксиди миқдорининг энг кўп ошиши ва iNOS индукциясидан иборат ўзгаришлар бўлишини кўрсатди.

Тажрибавий жониворларни 14 ва 21 кун давомида экдистен билан даволаш NO миқдорини даволанмаган каламушларга нисбатан 2,03 ва 2,5 марта камайишига олиб келди. Бундай пасайишга қарамай NO миқдори

интакт ҳайвонларга нисбатан 2,0 ва 1,3 марта кўп бўлди. Эқдистенга нисбатан глюкофаж ва ретаболил NO миқдорини камроқ пасайтирди, бу пасайиш даволанмаган ҳайвонларга нисбатан 1,4 ва 1,5; 1,6 ва 1,66 мартани ташкил қилади. Шундай қилиб, эқдистен билан даволашда глюкофаж ва ретаболил билан даволашга нисбатан азот оксиди миқдори пасаяди, айниқса 21 кун давомида даволаганда.

Эқдистен билан даволаш тажрибанинг 14- ва 21-кунида, даволанмаган гуруҳга нисбатан, iNOS фаоллигини 1,3 ва 1,9 мартага оширади. Глюкофаж ва ретаболил билан даволашда ушбу ферментнинг фаоллиги ишончли ошиши тажрибанинг 21-кунида кузатилиб, даволанмаган гуруҳга нисбатан 2,4 ва 2,5 мартани ташкил қилди.

iNOS фаоллиги эқдистен билан даволашдан сўнг тажрибанинг 14- ва 21-кунларида даволанмаган гуруҳга нисбатан 2 ва 1,6 мартага камаяди. Глюкофаж ва ретаболил билан 14 кун давомида даволаш, даволанмаган гуруҳга нисбатан бу фермент фаоллигини 1,5 ва 1,3 мартага ишончли пасайтирди.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари АД ривожланишида қонда нитроергик тизимнинг кўрсаткичлари ўзгаришини: азот оксиди ва iNOS фаоллиги ошишини, eNOS фаоллиги пасайишини кўрсатди. Эқдистен билан даволашда, глюкофаж ва ретаболилга нисбатан, азот оксиди кўпроқ камаяди. Унинг нитроергик тизим кўрсаткичларига энг самарали таъсири тажрибанинг 21-кунига тўғри келади. Азот оксиди миқдорининг ушбу ўзгариши уни ҳосил қилувчи синтазалар фаоллигининг ўзгариши ҳисобига бўлади.

АД ривожланишида Виллебранд омили миқдорининг касаллик ривожланиш муддатига боғлиқ равишда ошиши кузатилди. Агар АД ривожланишининг 7-кунида унинг миқдори 2,24 мартага ошса, 14- ва 21-кунларда, интакт гуруҳга нисбатан, 3,08 ва 2,93 марта ошди. Шундай қилиб, Виллебранд омили миқдорининг ошиши тажриба муддатига боғлиқ бўлиб, уни энг кўп ошиши АД ривожланишининг 14- ва 21-кунига тўғри келади.

Эқдистен билан даволашнинг 14- ва 21-кунида Виллебранд омилини, даволанмаган гуруҳга нисбатан, 1,4 ва 2,0 марта пасайишига олиб келди. Глюкофаж ва ретаболил билан 14 кун давомида даволаш, даволанмаган гуруҳга нисбатан, Виллебранд омили миқдорини 1,35 ва 1,37 марта камайтирди. Глюкофаж ва ретаболил билан даволашда Виллебранд омилини энг кўп пасайиши 21-кунда кузатилиб, даволанмаган гуруҳга нисбатан 1,67 ва 1,53 марта пасайди. Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар эқдистен ва таққослаш препаратлари глюкофаж ва ретаболил Виллебранд омили миқдорини тажрибанинг даволанган 14-кунига нисбатан 21-кунида кўпроқ камайишини кўрсатди.

Эндотелин-1 миқдори АД ривожланишининг барча муддатларида ошди. Агар АД ривожланишининг 7-кунида унинг ошиши назорат гуруҳи жониворларига нисбатан 1,87 мартани ташкил қилган бўлса, 14- ва 21-кунларда унинг ошиши 2,24 ва 2,49 марта бўлди.

Тажрибавий жониворларни экдистен билан даволаш тажрибанинг 14- ва 21-кунларида эндотелин-1 миқдорини даволанмаган жониворларга нисбатан 30,1 ва 47%га камайтирди. Глюкофаж таъсирида қон зардобиди ҳам эндотелин-1 миқдори пасайди, лекин бу экдистен билан даволанишдагидан кўра камроқ бўлди. Глюкофаж билан даволашда тажрибанинг 14- ва 21-кунларида эндотелин-1 миқдорини, даволанмаган жониворларга нисбатан 5,6 ва 26,5%га камайиши кузатилди. Ретаболил билан 14 кун давомида даволаш эндотелин-1 миқдорини, даволанмаган жониворларга нисбатан 29,9%га камайтирди. Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар, экдистен таъсирида эндотелин-1 миқдори даволанмаган ва глюкофаж ҳамда ретаболил билан даволанган жониворларга нисбатан ишончли даражада пасайишини кўрсатди.

Диссертациянинг **«Металлопротеиназалар ва улар ингибиторларининг фаоллиги ва экдистенни аллоксанли диабет ривожланишининг динамикасида гемостазга таъсири»** деб номланган тўртинчи бобиди металлопротеиназалар ва улар ингибитори экдистен билан коррекциялангандаги тадқиқот натижалари келтирилган.

АД ривожланишининг 14- ва 21-кунида ММП-2 фаоллиги ошиб, интакт гуруҳга нисбатан 36,9 ва 11,9%ни ташкил қилди. Экдистен билан даволаш 7 ва 14 кун давомида ММП-2 фаоллигини, даволанмаган гуруҳга нисбатан, 19,6 ва 10,9% га пасайтирди. Айнан шу муддатларда глюкофаж ва ретаболил ММП-2 фаоллигини интакт гуруҳга нисбатан 14,6; 7,9 ва 19,9; 5,8%га пасайтирди.

ММП-9 фаоллиги тажрибанинг 14- ва 21-кунида интакт гуруҳга нисбатан 38,9 ва 19,9%га пасайди. ММП-9 фаоллигини экдистен, глюкофаж ва ретаболил билан коррекциялаш экдистеннинг энг кўп таъсир қилишини кўрсатди, хусусан экдистен билан даволашда унинг фаоллиги, даволанмаган гуруҳга нисбатан 30,6 ва 11,2%га пасайди.

Қон зардобиди МПТИ-1 миқдорини тадқиқ қилиш уни АД ривожланишининг 7- ва 14-кунида интакт жониворларга нисбатан 2,06 ва 1,35 мартага пасайишини кўрсатди.

Экдистен билан 7 ва 14 кун давомида даволаш МПТИ-1 миқдори даволанмаган гуруҳга нисбатан 2,2 ва 1,5 мартага ошишига олиб келди. Глюкофаж ва ретаболил МПТИ-1 миқдорини, даволашнинг 7- ва 14-кунида даволанмаган гуруҳга нисбатан 1,26; 0,9 ва 1,48; 1,17 мартага оширди (1-жадвал).

Шундай қилиб, экдистен глюкофаж ва ретаболилга нисбатан АДли каламушларда МПТИ-1 миқдорини кўпроқ оширди.

Назорат гуруҳида активлашган қисман тромбопластин вақти (АҚТВ) ошиб боради, яъни фосфолипидларга нисбатан қарши таначалар миқдори ортади, улар артериал ва веноз тромбозларни характерлайди. Хусусан, АД ривожланишининг 7-, 14- ва 21-кунларида АҚТВ интакт гуруҳи жониворларига нисбатан 1,13; 1,28 ва 1,4 марта ошади.

Экдистен ва таққослаш препаратларининг экспериментал аллоксанли диабетда қон зардобидаги ММП-2 ва 9 (нг/мл) фаоллигига таъсири

Гуруҳлар	ММП-2 фаоллиги		ММП-9 фаоллиги	
	14 кун	21 кун	14 кун	21кун
Интакт, n=6	4,36±0,02	4,36±0,03	4,31±0,001	4,31±0,002
АД+Н ₂ О, n=7	5,97±0,60 ^а	4,88±0,41 ^а	5,99±0,026 ^а	5,17±0,076 ^а
АД+экдистен, n=7	4,80±0,29 ^{а,б}	4,35±0,11 ^{а,б}	4,16±0,005 ^{а,б}	4,59±0,041 ^а
АД+глюкофаж, n=7	5,1±0,21 ^{а,б}	3,91±0,15 ^{а,б}	4,8±0,03 ^{а,б}	4,241±0,026
АД+ретаболил, n=7	5,5±0,18 ^{а,б}	4,60±0,64 ^{а,б}	5,14±0,05 ^а	5,17±0,02 ^а

Изох: ^а–P<0,05 интакт гуруҳга нисбатан, ^б –P<0,05 назорат гуруҳига нисбатан.

Демак, АД ривожланишида антифосфолипидлар синдроми ҳақида таъкидлаш мумкин. Буни тромбоз хавфи билан боғлиқ бўлган протромбин индекси (ПТИ) ва халқаро меъёрлаштирилган нисбат (ХМН) ошиши ҳам тасдиқлайди. АД ривожланишининг 7-, 14- ва 21-кунларида ПТИ интакт жониворларга нисбатан 1,38; 1,5 ва 1,49 марта кўп бўлади. АД ривожланишининг 7-кунида ХМН миқдори интакт жониворларга нисбатан деярли ўзгармайди, лекин 14 ва 21 кунда унинг интакт жониворларга нисбатан 1,10 ва 1,11 марта ошиши кузатилди.

Назорат гуруҳида АД ривожланишининг фақат 21-кунида тромбин вақти интакт гуруҳга нисбатан 2% га ишончли қисқарди. АД ривожланишининг барча муддатларида фибриноген миқдорининг сезиларли ўзгариши аниқланмади. Бу эса яллиғланиш жараёнлари бошланишини билдиради, буни С-реактив оксил миқдорини АД ривожланишининг 7-, 14- ва 21-кунларида интакт гуруҳга нисбатан 3,9 ва 4,3 марта ошишини ҳам тасдиқлайди.

Экдистен билан даволашда тажрибанинг 14 ва 21 куни давомида АҚТВ назорат гуруҳига нисбатан 14,3 ва 24,3% пасайди. Глюкофаж ва ретаболил билан даволанганда эса АҚТВ назорат гуруҳига нисбатан 5,2; 119,1; 3,9 ва 8,6%га пасайди. Экдистен билан даволаш, тажрибанинг 14 ва 21 кунида ПТИ миқдорини даволанмаган жониворлар гуруҳига нисбатан 24,1 ва 30,2% га ишончли пасайтиради. Глюкофаж билан даволашда ПТИ тадқиқ қилинган муддатларда назорат гуруҳига нисбатан 23 ва 24,4%га пасайиши кузатилди. Ретаболил экдистен ва глюкофажга нисбатан тадқиқ қилинган муддатларда, ПТИ миқдорини камроқ пасайтириб, бу пасайиш назорат гуруҳига нисбатан 14,5 ва 15,8%ни ташкил этди.

Экдистен, глюкофаж ва ретаболил билан даволашда 14- ва 21-кунда ХМН миқдорининг сезиларли ўзгариши кузатилмади. Экдистен билан даволашда 14 ва 21 кунда тромбин вақтини даволанмаган гуруҳга нисбатан 12,7 ва 5,9% га чўзилиши аниқланди. Глюкофаж ва ретаболил билан даволашда тромбин вақтини сезиларли ўзгариши кузатилмади. Гемостаз кўрсаткичларини коррекциялаш учун ишлатилган препаратлар фибриноген миқдорига деярли таъсир қилмади. Тадқиқотлар гемостаз тизимининг

шикастланишида экдистен билан даволаш глюкофаж ва ретаболилга нисбатан юқори самарали бўлганини кўрсатди. Шу билан бир қаторда АҚТВ, тромбин вақти, ПТИ ларнинг ишончли ва сезиларли пасайиши кузатилади, уларни кўтарилиши эса каламушларда томир-тромбоцитар гемостазини асосий сабаби ҳисобланади.

Шундай қилиб, экдистен кучли гипогликемик таъсирдан ташқари, гемостазнинг барча звенолари кўрсаткичларини меъёрлаштириш хусусиятига ҳам эга. Тадқиқотлар давомида ишлатилган препаратларни самарадорлиги бўйича қуйидагича жойлаштириш мумкин: экдистен-глюкофаж-ретаболил.

Диссертациянинг «**Экдистеннинг тажрибавий аллоксанли диабетда липид алмашинуви кўрсаткичлари ва адипонектин миқдори таъсири**» деб номланган бешинчи бобида АД ривожланишининг динамикасида липид алмашинуви кўрсаткичларига ва адипонектинни аниқлаш натижалари келтирилган.

Аллоксан киритилгандан сўнг 7 кун давомида умумий холестерин миқдорида ўзгариш бўлмади. Тажрибанинг 14- ва 21-кунида унинг миқдорини интакт гуруҳга нисбатан 22,5 ва 55% га ошганлиги аниқланди. АД ривожланишининг 14- ва 21-кунларида триглицеридлар миқдори интакт жонворларга нисбатан 1,6 ва 3,0 марта ошиши кузатилди. Шундай қилиб, триглицеридлар миқдорининг энг кўп ошиши аллоксанли диабет ривожланишининг 21 кунига тўғри келади. Липопропротеидлар холестеринини (ХС) аниқлаш зичлиги жуда паст липопропротеидларда (ЗЖПЛ) энг кўп ошиши аллоксанли диабет ривожланишининг 14 ва 21 кунда кузатилиб, интакт гуруҳга нисбатан 1,7 ва 2,6 марта ошди. Зичлиги паст липопропротеидлардаги (ЗПЛ) холестерин АДнинг 7-, 14- ва 21-кунида интакт гуруҳга нисбатан 42,8; 71,1 ва 84,5% га ошди. Липопропротеидларни ўрганишда зичлиги юқори липопропротеидларга (ЗЮЛ) катта аҳамият берилди. Шу сабабли ҳам тажрибавий жониворларда ХС-ЗЮЛ текширилди. Тадқиқот натижалари унинг миқдори интакт жониворларга нисбатан кескин ортмаслигини кўрсатди. Унинг миқдори интакт гуруҳга нисбатан 34,1 ва 41,6 % га ошди.

Липопропротеидларда холестеринни аниқлаш бўйича олинган маълумотлар асосида атерогенлик коэффиценти ҳисоблаб чиқилди. Ушбу коэффицент АД ривожланишининг 14- 21 кунларида интакт гуруҳга нисбатан 1,6 ва 2,8 марта ортди. Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар АД бўлган жониворларда липид алмашинуви кўрсаткичларининг ўзгаришини кўрсатди, бу ўзгариш-ларнинг даражаси тажриба муддатига боғлиқ бўлди. Экдистен юборилганида 7- ва 14- кунда умумий холестерин миқдори экдистен таъсирида бўлмаган жониворларга нисбатан 22,5 ва 28,5% га камаяди, яъни умумий холестерин миқдори, экдистен билан даволанишнинг 14-кунида кескин камаяди. Глюкофаж билан даволашнинг 7 ва 14 кунда умумий холестерин миқдори глюкофаж юборилмаган жониворларга нисбатан 13,4 ва 32,8% га камайишига олиб келди. Ретаболил билан даволаш 7 кун давомида умумий холестерин миқдорини даволанмаган гуруҳга нисбатан 37,9% га ошишига олиб келса-да, 14 кун давомида эса унинг миқдорини ўзгартирмади.

Шундай қилиб, экистен билан АД ни даволаш глюкофажга нисбатан умумий холестеринни кўпроқ камайишига олиб келди, ретаболил эса коррекцияловчи таъсир кўрсатмади (2-, 3-жадвал).

2-жадвал

Аллоксанли диабет ривожланишида липид алмашинуви кўрсаткичларига экистен таъсири (n = 7)

Кўрсаткичлар	Интакт гуруҳ	АД+Н ₂ О, n=7			АД+экистен, n=7	
		7 кун	14 кун	21 кун	14 кун	21 кун
Умумий холестерин ммоль/л	4,0±0,27	3,93±0,07	4,75±0,08*	6,2±0,2*	3,8±0,2	4,4±0,18
Триглицеридлар ммоль/л	1,22±0,13	0,83±0,14	2,06±0,08*	3,72±0,76*	1,65±0,19	1,77±0,08*
ХС-ЗЮЛП ммоль/л	1,2±0,08	1,1±0,13	1,0±0,1	0,81±0,07*	2,72±0,15*	3,2±0,32*
ХС-ЗПЛП ммоль/л	2,43±0,11	3,78±0,14*	4,2±0,2*	4,52±0,33*	2,05±0,05*	2,47±0,18
ХС-ЗЖПЛП ммоль/л	0,55±0,02	0,67±0,24	0,92±0,04*	1,42±0,2*	0,72±0,08*	0,8±0,04*
Атерогенлик коэф. ХС/ЗЮЛП	2,35±0,22	2,57±0,22	3,75±0,12*	6,65±0,1*	0,40±0,05*	0,37±0,01*

Изоҳ: * – P<0,05 интакт гуруҳга нисбатан.

Экистен билан даволашнинг 7-кунида триглицеридлар миқдорини даволанмаган гуруҳга нисбатан сезиларли ўзгаришга олиб келмади. Экистен билан 14 кун даволаш триглицеридлар миқдорини, даволанмаган гуруҳга нисбатан 2,1 марта камайтирди. Таққослаш препарати глюкофаж билан даволашнинг 7 ва 14 кунида триглицеридлар миқдорини даволанмаган гуруҳга нисбатан 1,4 ва 2,1 марта камайтирди. Ретаболил билан 14 кун давомида даволаш триглицеридлар миқдорини, даволанмаган гуруҳга нисбатан, 1,4 марта камайтирди.

Экистен ва глюкофаж билан даволашнинг 14-кунида ХС-ЗЖПЛ миқдори интакт гуруҳга нисбатан 1,7 марта камайди. Ретаболил билан 7-14 кун давомида даволаш ХС-ЗЖПЛ миқдори сезиларли ўзгаришга олиб келмади.

Экистен ва глюкофаж билан даволашнинг 7- ва 14-кунида ХС-ЗПЛ миқдори, даволанмаган гуруҳга нисбатан 2,0 ва 1,8; 2,4 ва 2,9 марта камайди, ретаболил билан даволаш эса унинг миқдорини сезиларли даражада ўзгартирмади.

**Аллоксанли диабет ривожланишида липид алмашинуви
кўрсаткичларига таққослаш препаратларининг таъсири (n = 7)**

Кўрсаткичлар	Интакт гуруҳ	АД+ глюкофаж n=7		АД+ретаболил, n=7	
		14 кун	21 кун	14 кун	21 кун
Умумий холестирин ммоль/л	4,0±0,27	4,23±0,17	4,2±0,74	6,8±0,54*	6,38 ±0,4*
Триглицерид- лар ммоль/л	1,22±0,13	1,51±0,06*	1,75±0,07*	2,52±0,28*	2,65±0,16*
ХС-ЗЮЛП ммоль/л	1,2±0,08	1,85±0,04*	1,87±0,02*	1,05±0,08	0,81±0,11*
ХС-ЗПЛП ммоль/л	2,43±0,11	1,72±0,17*	1,58±0,42*	4,59±0,4*	4,32±0,26*
ХС-ЗЖПЛП ммоль/л	0,55±0,02	0,69±0,02*	0,8±0,04*	1,12±0,14*	1,17±0,09*
Атерогенлик коэф. ХС/ЗЮЛП	2,35±0,22	1,28±0,06	1,25±0,23*	5,5±0,67*	6,9±0,64*

Изоҳ: * – P<0,05 интакт гуруҳга нисбатан.

Тадқиқотлар давомида глюкофаж билан даволаш ХС-ЗЮЛП миқдорини ўзгаришига олиб келмади. Ретаболил билан даволаш эса 7 ва 14 кунда ХС-ЗЮЛП миқдорини даволанмаган гуруҳга нисбатан 50,4 ва 107,3% га пасайтирди. Ушбу маълумотлар ишлатилган препаратларни ХС-ЗЮЛП миқдорига турли йўналишда таъсир қилишини кўрсатди. Эқдистен даволашнинг 7 ва 14 кунда атерогенлик коэффицентини даволанмаган гуруҳга нисбатан 9,3 ва 17,9 марта пасайтирди. Глюкофаж билан даволашда ушбу коэффицентни камроқ пасайиши аниқланди. Тажрибанинг 7- ва 14-кунда бу коэффицент даволанмаган гуруҳга нисбатан 2,9 ва 5,32 марта пасайди.


Аллоксан юборилганидан сўнг тадқиқотнинг барча муддатларида адипонектин миқдори интакт гуруҳга нисбатан ишончли даражада камайди.

АД ривожланишининг 7- ва 21-кунда унинг миқдори интакт гуруҳга нисбатан 4,3 ва 5,7 марта камайди. Адипонектин миқдорининг кескин камайиши АД ривожланишининг 14-кунига тўғри келиб, бу муддатда даволанмаган гуруҳга нисбатан унинг миқдори 17,1 мартага пасайди. Эқдистенни юборилиши тажрибанинг 7 ва 14 кунда адипонектин миқдорини даволанмаган гуруҳга нисбатан 14 ва 5,6 мартага оширди. Глюкофаж билан даволаш ҳам тажрибанинг 7 ва 14 кунда глюкофаж юборилмаган жониворларга нисбатан адипонектин миқдорининг 12,5 ва 4,7 марта ошишига олиб келди.

Ретаболил билан даволаш эқдистен ва глюкофажга нисбатан адипонектин миқдорини камроқ оширди. Ретаболил билан 7 ва 14 кун

давомида даволаш даволанмаган гуруҳга нисбатан адипонектин миқдорини 5,3 ва 2,16 марта оширди.

Шундай қилиб, экдистен АД ли жониворларни 14 кун давомида даволаш натижасида адипонектин миқдорини глюкофажга кўра, меъёрлаштиришга олиб келди, ретаболил эса коррекцияловчи таъсир кўрсатмади (1-расм).



1-расм. Аллоксанли диабет ривожланишида адипонектин миқдorigа экдистен ва таққослаш препаратларининг таъсири (мг/мл)

Ўтказилган тадқиқотлар асосида адипонектин миқдори ва липид алмашинуви кўрсаткичларининг АД ривожланиши ва уларни коррекциялашдаги ўзаро боғлиқлиги аниқланди. АД ни даволашдан олдин умумий холестерин кўрсаткичлари ва адипонектин миқдори даражаси орасида корреляцион боғлиқлик бўлмади. Аммо экдистен билан даволашнинг 21-кунда тесқари манфий боғлиқлик ($r=-0,34$) аниқланиб, бу холестерин камайганида адипонектин миқдори ошишини ва тесқарисини билдиради. Триглицеридлар миқдорида эса 14-кунда тесқари боғлиқликни кўрсатди ($r=-0,36$), 21-кунда эса мусбат боғлиқлик ($r=+0,48$) аниқланди. АД ли жониворларини экдистен ва глюкофаж билан 14 ва 21 кун давомида даволаш назорат гуруҳига нисбатан триглицеридлар миқдорини сезиларли даражада пасайтирди. АД ривожланишининг барча муддатларида адипонектин миқдорининг пасайиши билан характерланади, унинг энг кўп камайиши 14-кунга тўғри келади. Экдистен билан даволашда 7 кунда боғлиқлик манфий ($r=-0,36$) бўлиб, 21-кунда ўртача ($r=+0,42$) бўлди.

ХС-ЗЮЛП даражаси ва адипонектин орасида даволашдан олдин 7- ва 14-кунда корреляцион боғлиқлик кучли бўлиб, 21-кунда йўқолди. Бунга ўхшаш ҳолат ретаболил билан даволашдан ташқари ҳамма даволаш турларида кузатилди. АД 7- ва 14-кунларда ХС-ЗПЛП даражаси ва

адипонектин миқдори орасидаги корреляцион боғлиқлик ўртача мусбат ($r=+0,50$) бўлиб, 21-кунда боғлиқлик деярли йўқ ($r=-0,10$). Глюкофаж билан даволашда боғлиқлик ораси 0,33 дан 0,5 гача ошди, ретаболил билан даволашда боғлиқлик кутби $-0,33$ дан $+0,44$ гача алмашилди.

Шундай қилиб, АД чақирилган ҳайвонларни даволашда қўлланилган препаратлар самарадорлиги бўйича бўйича қуйидаги тартибда жойлашди: экдистен-глюкофаж-ретаболил.

ХУЛОСА

«Экспериментал қандли диабет ривожланишига экдистен таъсирининг молекуляр-хужайравий механизми» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидагилар хулоса қилинди:

1. Тажрибавий аллоксанли диабет антиоксидант тизимининг фаолиятсизлиги ва эркин-радикал оксидланишнинг кучайиши билан характерланади. Экдистен глюкофаж ва ретаболилга нисбатан антиоксидант тизими фаоллигининг кўпроқ кучайишига олиб келди.

2. Аллоксанли диабетнинг ривожланиши нитроергик тизимдаги ўзгаришлар билан намоён бўлиб, қон зардобиди азот оксиди миқдорининг ошиши, eNOS фаоллигининг пасайиши ва iNOS фаоллигининг кучайиши кузатилди. Экдистен билан даволаш глюкофаж ва ретаболилга нисбатан нитроергик тизимга кўпроқ меъёрлаштирувчи таъсир кўрсатди.

3. Аллоксанли диабетда металлопротеиназа тўқима ингибитори – МПТИ-1 нинг миқдори камайиши билан биргаликда матрикс металлопротеиназалар – ММП-2 ва ММП-9 фаоллигининг ошиши кузатилди. Экдистен билан даволашда глюкофаж ва ретаболилга нисбатан ММП фаоллигининг сезиларли пасайиши ва МПТИ-1 миқдорининг ошиши кузатилди.

4. Аллоксанли диабет тадқиқотнинг барча муддатларида эндотелин-1 миқдорининг сезиларли ошиши билан характерланди. Эндотелин-1 миқдори ўзгаришини коррекциялашда экдистен билан даволаш энг кўп самара берди.

5. Аллоксанли диабетда липид алмашинувида ўзгаришлар кузатилиб, тажриба муддати узайиши билан кучайиб борди. Бунда триглицерид, атероген холестерин миқдори сезиларли ортди, антиатероген холестерин миқдори эса пасайганлиги кузатилди. Экдистен глюкофаж ва ретаболилга нисбатан липид алмашинуви кўрсаткичларига кўпроқ меъёрлаштирувчи таъсир кўрсатди.

6. Аллоксанли диабет ривожланишининг барча муддатларида адипонектин миқдори камайиб борди. Экдистеннинг адипонектин миқдорини меъёрлаштиришдаги самарадорлиги глюкофаж ва ретаболилга нисбатан юқори бўлди.

7. Аллоксанли диабетнинг ривожланиши гемостазнинг ўзгариши билан кечиб, гиперкоагуляция томонга ўзгариш билан намоён бўлди. Аллоксанли диабетни экдистен билан 21 кун давомида даволаш глюкофаж ва ретаболилга нисбатан гемостазни деярли тўлиқ меъёрлаштирди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ТУРСУНОВ ДЖАХАНГИР ХУСАНОВИЧ

**МОЛЕКУЛЯРНО-КЛЕТОЧНЫЙ МЕХАНИЗМ ДЕЙСТВИЯ
ЭКДИСТЕНА НА РАЗВИТИЕ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОГО
САХАРНОГО ДИАБЕТА**

03.00.01 – Биохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ (PhD) ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ– 2019

Тема диссертации (PhD) доктора философии по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/Tib607.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tma.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: **Сабилова Рихси Абдукадировна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Юлдашев Носир Мухамеджанович**
доктор биологических наук, профессор

Ишигов Ибрагим Агаевич
доктор медицинских наук, профессор
(Республика Казахстан)

Ведущая организация: **Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение Высшего образования «Казанский государственный медицинский университет» Министерства здравоохранения Российской Федерации.**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2019 года в «___» часов на заседании Разового Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фароби, 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail.tma2005@mail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (регистрационный номер №____). Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фароби, 2. Ташкентская медицинская академия, 2-й учебный корпус «Б» крыло, 1-й этаж, 7-й кабинет. Тел./факс: (+99871) 150-78-14.

Автореферат разослан «_____» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от «_____» _____ 2019 года).

Г.И.Шайхова

Председатель разового Научного совета по Присуждению Ученых степеней, д.м.н., профессор

Н.Ж.Эрметов

Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н., доцент

Н.М.Юлдашев

Председатель разового Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день разработка высокоэффективных методов профилактики, доклинической диагностики и терапии сахарного диабета (СД) все ещё остается актуальной и трудно решаемой научной и медико-социальной задачей. В настоящее время совершенно очевидно превращение заболеваемости СД в глобальную неинфекционную эпидемию. По последним данным экспертов Всемирной диабетической федерации во всем мире СД болеют более 400 миллионов человек. Если не будут приняты своевременные меры, то спустя 25 лет этим недугом будет страдать каждый шестой человек, а к середине XXI века – каждый второй.

В мировом масштабе проводится ряд исследований по достижению эффективности воздействия фитоэкдистероидов на развитие СД. В этом отношении актуальным является исследование состояния оксидантно-антиоксидантной и нитроергической систем, дисфункции эндотелия при развитии аллоксанового диабета (АД). При этом необходимо изучение влияния фитоэкдистероидов на активность металлопротеиназ, количества их ингибиторов, адипонектина и показателей липидного обмена в динамике развития экспериментального АД. Вместе с тем особое значение имеет также разработка системы исследования влияния препаратов сравнения на показатели гемостаза при АД¹.

В нашей стране достигнуты значительные результаты по развитию системы здравоохранения в соответствии с мировыми эталонами и по снижению эндокринологических заболеваний. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы определены задачи «... по повышению качества оказания медико-социальной помощи больным, формированию здорового образа жизни среди населения, совершенствованию системы здравоохранения с укреплением материально-технической базы учреждений первичной медицинской помощи ...»². Для решения этих задач важное значение имеет повышение эффективности диагностики СД среди населения биохимическими методами и снижения эндокринологических заболеваний на основе совершенствования современных технологий при оказании качественной медицинской помощи.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах» от 7 февраля 2017 года и в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики

¹ Дедов И.И. Сахарный диабет – опаснейший вызов мировому сообществу. // Вестник Российской академии наук - Москва., 2012, № 1 – С. 7-13

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 года.

Узбекистан в 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, имеющих отношение к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Современные исследования по изучению молекулярно-клеточных механизмов действия различных препаратов на развитие СД показали, что многогранность избранной проблемы определяется множеством лекарственных средств, применяемых при лечении СД и их недостаточной эффективностью, связанных со сложным патогенезом данного заболевания. Этим обусловлено малочисленность исследований патогенетических и молекулярных механизмов действия отечественных препаратов, в частности на основе фитоэкдистероидов (Сыров В.Н., 2011).

